

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

483 Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282*

(2011 йил 27 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 563-модда) ҳамда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) мувофиқ буюраман:

1. Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 14 октябрь,
63-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги
63-сон буйруғига
ИЛОВА

**Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби
ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни
тўлдириш қоидалари тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 563-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман

(шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси бўлими деб юритилади) учун пенсионерларнинг ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг йиғмажилдини расмийлаштириш ва юритиш тартибини белгилайди ҳамда пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш бўйича зарур ҳужжатлар шаклларини ва уларни тўлдириш қоидаларини ўрнатади.

I. Умумий қоидалар

1. Пенсионернинг ва ижтимоий нафақа олувчининг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди (кейинги ўринларда — пенсия йиғмажилди деб юритилади), шунингдек пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлашга тааллуқли ҳужжатлар мазкур Йўриқномага мувофиқ Пенсия жамғармаси бўлими томонидан расмийлаштирилади.

2. Пенсия йиғмажилди, пенсия, ижтимоий нафақалар ва бошқа тўловларни тайинлашга тааллуқли ҳужжатларни расмийлаштириш, шунингдек аризаларни рўйхатга олиш учун Пенсия жамғармаси бўлими томонидан мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ рўйхатга олиш китоблари юритилади.

3. Ушбу китобларда рўйхат йил бошида биринчи рақам билан очилади, йил давомида қаторлар тўлиб қолганда ва янги китоблар очилганда рақамлаш давом эттирилади, йил якунида эса китоб сўнгги рақам билан якунланади, бунда рўйхатнинг якунловчи варағи Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи ва Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тайинлаш гуруҳи раҳбари (кейинги ўринларда — пенсия тайинлаш гуруҳи деб юритилади) томонидан имзоланади ҳамда Пенсия жамғармаси бўлими муҳри билан тасдиқланади.

4. Китобнинг ёпилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармасининг масъул ходими томонидан тасдиқланади (сўнгги варағига имзо қўйилади) ва Пенсия жамғармаси бўлимининг архивига сақлаш учун топширилади.

5. Пенсия йиғмажилдининг тўғри расмийлаштирилиши пенсия тайинлаш гуруҳига юкланади. Пенсия йиғмажилдини расмийлаштириш ва юритиш ягона тартибига амал қилиниши устидан назоратни олиб бориш пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбарига, умумий назорат эса Пенсия жамғармаси бўлимининг бошлиғига юкланади.

Пенсия жамғармаси бўлимининг ҳар бир ходими, ўз ваколати доирасида ўзига бириктирилган ҳудуд бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишига доир ишларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича жавобгардир.

6. Пенсия тайинлаш гуруҳи инспектори (кейинги ўринларда — инспектор деб юритилади) ўз лавозимидан озод қилинганда, бошқа лавозимга ўтказилганда ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда, пенсия йиғмажилдларни ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ва топшириш ишлари Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғининг буйруғи асосида пенсия тай-

инлаш гуруҳи раҳбари, инспектори, архивариус ва юрисконсултдан ташкил топган ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Пенсия йиғмажилдлари ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш ва топшириш ишлари ишчи гуруҳ томонидан тасдиқланган далолатнома билан расмийлаштирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг пенсия йиғмажилдлари мазкур Йўриқномага мувофиқ расмийлаштирилади.

II. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларни расмийлаштириш

8. Пенсия, ижтимоий нафақа, уй-жой-коммунал хизматлари учун компенсация пул тўловларини тайинлаш, пенсияни қайта ҳисоблаш, пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказиш, пенсия ва ижтимоий нафақа тўловини тиклаш, шунингдек пенсиядан улуш ажратиш тўғрисидаги ариза мазкур Йўриқноманинг 2 — 5-иловаларида келтирилган шакл бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига белгиланган тартибда топширилади.

9. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш учун аризачи тақдим этган ҳужжатлар инспектор (ёки катта инспектор) томонидан кўриб чиқилади. Инспектор тақдим этилган ҳужжатлар ксеронусхаларини асл нусхалар билан солиштиради ва ушбу ксеронусхаларни аслига тўғрилигини ўз имзоси билан тасдиқлайди. Барча ҳужжатлар (асл нусхалари ва ксеронусхалари), шунингдек ариза, инспектор томонидан Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи (у бўлмаган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлимининг бошлиғи ўринбосари)га тақдим этади ва ўз навбатида Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи аризага ўз резолюциясини қўяди, шундан сўнг, ҳужжатларнинг ксеронусхаларини асл нусхалар билан солиштириб, ушбу ксеронусхаларни аслига тўғрилигини ўз имзоси ва Пенсия жамғармаси бўлимининг муҳри билан тасдиқлайди.

10. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш учун ҳужжатларни қабул қилишда, инспектор қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

ариза, тақдимнома бланкаси, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлигини, шунингдек, унда акс этирилган маълумотларни паспорт маълумотлари, меҳнат дафтарчаси ва аризачининг бошқа ҳужжатларига мос келишини. Бунда шахснинг қонун ҳужжатлари талабларига асосан пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлашга бўлган ҳуқуқи кўриб чиқилади;

ксеронусхаларни аризачининг бирламчи ҳужжатлари билан солиштирилишининг тўғрилиги (агар ксеронусхалар нотариус томонидан тасдиқланмаган бўлса).

11. Инспектор аризачи ёки ташкилот вакилига тақдим этилган ҳужжатларнинг (меҳнат дафтарчаси, архив маълумотлари ва ташкилот томонидан

тақдим этилган маълумотномалардан ташқари) асл нусхаларни қайтаради ва унга аризанинг тегишли қисмини қирқиб олган ҳолда, ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат беради, бунда тилхат нусхаси тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда Пенсия жамғармаси бўлимида сақланади. Меҳнат дафтарчасининг асл нусхаси Пенсия жамғармаси бўлимининг пенсия тайинлаш комиссияси (кейинги ўринларда — комиссия деб юритилади) томонидан пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг аризачига қайтарилиши шарт.

Меҳнат дафтарчаси пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш аризасининг орқа томонига меҳнат дафтарчаси олинганлиги тўғрисидаги санасини кўрсатган ҳолда аризачи ёки ташкилот вакилининг имзоси билан қайтарилади.

12. Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғининг тегишли резолюцияси билан ариза қабул қилингандан сўнг, пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари (бундай лавозим бўлмаганда эса Пенсия жамғармаси бўлимининг бошлиғи буйруғи билан ушбу вазифа юклатилган ходим):

пенсияни тайинлаш тўғрисидаги аризани пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китобига (мазкур Йўриқноманинг 6-илоvasи);

ижтимоий нафақани тайинлаш тўғрисидаги аризани ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китобига (мазкур Йўриқноманинг 7-илоvasи);

бола туғилганлиги бўйича бир марталик нафақани тўлаш тўғрисидаги аризани бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тўлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китобига (мазкур Йўриқноманинг 8-илоvasи);

дафн маросими учун нафақани тўлаш тўғрисидаги аризани дафн этишга нафақа тўлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китобига (мазкур Йўриқноманинг 9-илоvasи);

уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловлари тўғрисидаги аризани уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларини тўлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китобига (мазкур Йўриқноманинг 10-илоvasи) қайд этади.

Қайд этгандан сўнг, пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари аризани (илова қилинган ҳужжатлар билан бирга) пенсия, ижтимоий нафақа ёки бошқа тўловларни тайинлаш учун ҳужжатлар тайёрлашга инспекторга топширади.

III. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш учун ҳужжатларни тайёрлаш, пенсия йиғмажилдини расмийлаштириш

13. Инспектор пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатлар асосида компьютер базасига маълумотларни киритади, иш стажи, ўртача иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ёки

бошқа тўловлар миқдорини ҳисоблайди, ҳисоб-китобларни чоп этади ва пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисида комиссия қарори лойиҳасини тайёрлайди.

14. Пенсия йиғмажилдида мавжуд ҳужжатлар мазкур Йўриқноманинг 11, 12-иловаларида келтирилган тартибда тикилади ва пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

15. Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари барча зарур маълумотларни (паспорт маълумотлари, пенсия, ижтимоий нафақа ёки бошқа тўловлар тури, иш стажи, ўртача иш ҳақи, устама миқдори, пенсия миқдорини ошириш ва бошқаларни ҳисоблаш), шунингдек пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш муддатини компьютер базасига тўғри киритилганлигини текширади, шундан сўнг пенсия йиғмажилдини кўриб чиқиш учун комиссияга киритади.

16. Комиссия Пенсия жамғармаси бўлимига пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш тўғрисидаги ариза барча ҳужжатлар билан келиб тушгандан сўнг, ўн кун муддат ичида тегишли қарорни қабул қилади (пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш, тақдим этилган ҳужжатларнинг асослигини текшириш ва бошқалар тўғрисида).

17. Тақдим этилган ҳужжатларнинг асослигини текшириш комиссия томонидан текшириш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг амалга оширилади. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг асослигини текшириш, текшириш санаси кўрсатилган ҳолда далолатнома билан расмийлаштирилади.

18. Текшириш ташкилот ёки архив вакили иштирокида ўтказилиши лозим, бунда текшириш натижаси бўйича далолатнома Пенсия жамғармаси бўлими ходими, ташкилот ёки архив вакили томонидан имзоланади, шундан сўнг ташкилот ёки архив муҳри билан тасдиқланади.

19. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ишлари амалга оширилгандан сўнг, комиссия пенсия, ижтимоий нафақа ёки бошқа тўловларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

20. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш бўйича комиссия қарорининг мазмуни тегишлилиги бўйича пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш бўйича аризаларни қайд этиш китобларига ёзилади.

Комиссиянинг тайинлашни рад этиш, текшириш ўтказиш ва қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги, ортиқча тўланган суммаларни пенсиядан чегириб қолиш тўғрисидаги қарорлари, шунингдек аризаларни кўриб чиқишда қабул қилинган бошқа қарорлар (пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш тўғрисидаги қарордан ташқари) мазкур Йўриқноманинг 13-иловасида келтирилган пенсия тайинлашни рад этиш, қўшимча текширишни ўтказиш ва қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги комиссия қарорларини рўйхатга олиш китобига қайд этилади.

21. Комиссия томонидан пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, пенсия йиғмажилди пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳига тақдим этилган ҳужжатларни рўйхатга олиш китобига (мазкур Йўриқноманинг 14-илоvasи) қайд этилгандан сўнг Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақаларни тўлови мониторинги гуруҳига берилади. Ушбу китобда назорат учун тўлов ҳужжатларининг расмийлаштирилиши ва пенсия йиғмажилдларини қайтариш муддатлари акс эттирилади.

22. Пенсионер (нафақа олувчи)нинг шахсий ҳисобварағи очилгандан сўнг, пенсия йиғмажилди шу ҳисобварақдаги рақам билан рақамланади, шундан сўнг тўлов ҳужжатлари расмийлаштирилади ва пенсия йиғмажилди инспекторга қайтарилади, инспектор ўз навбатида пенсия йиғмажилдини Пенсия жамғармаси архивида сақлаш учун архивариусга топширади.

Пенсионер (нафақа олувчи)нинг шахсий ҳисобварағини очиш мазкур Йўриқноманинг 15, 16-иловаларида кўзда тутилган китобларда рўйхатга олиш билан расмийлаштирилади.

23. Инспектор пенсия йиғмажилди асосида мазкур Йўриқноманинг 17-илоvasига мувофиқ шаклда пенсия гувоҳномасини ёзиб беради. Пенсия гувоҳномаси бланки қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланади ва Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи томонидан тайинланган масъул шахсда сақланади.

24. Пенсия гувоҳномасини олиш учун шахс Пенсия жамғармаси бўлимига иккита фотосурат тақдим этади, шундан биттаси гувоҳномага, иккинчиси эса пенсия йиғмажилди олди қисмининг ички томонига елимланади. Пенсия гувоҳномасининг берилиши пенсионерлар (нафақа олувчилар)га берилган гувоҳномаларни рўйхатга олиш китобида (мазкур Йўриқноманинг 18-илоvasи) қайд этилади.

25. Пенсия гувоҳномаси йўқолган тақдирда гувоҳноманинг дубликати берилади. Дубликатга йўқолган пенсия гувоҳномасининг рақами берилади, дубликатнинг қайд этиш рақами эса пенсионерлар (нафақа олувчилар)га берилган гувоҳномаларни рўйхатга олиш китобига киритилади.

26. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни олганлиги тўғрисидаги маълумотнома пенсионерлар (нафақа олувчилар)га берилган маълумотномаларни рўйхатга олиш китобига (мазкур Йўриқноманинг 19-илоvasи) шахснинг маълумотнома олганлиги тўғрисидаги имзо қўйилиши орқали берилади.

27. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисида берилган гувоҳномани рўйхатга олиш китобида (мазкур Йўриқноманинг 20-илоvasи) қайд этиш билан расмийлаштирилади.

28. Ишловчи пенсионерга ф-25 топшириқномаси берилиши ишловчи пенсионерларга бориладиган топшириқномаларни (ф-25) рўйхатга олиш китобида (мазкур Йўриқноманинг 21-илоvasи) рўйхатга олиш билан расмийлаштирилади.

29. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни олиш учун тақдим

этилган ишончнома пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни ишончномалар орқали олишни рўйхатга олиш китобида (мазкур Йўриқноманинг 22-илоvasи) қайд этилади.

30. Пенсияонер (нафақа олувчи) вафот этгандан сўнг унинг пенсия йиғмажилди унинг оила аъзоларига тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси йиғмажилдига тикилади.

**IV. Пенсияни (ижтимоий нафақани) қайта ҳисоблаш,
бир пенсия туридан бошқа турига ўтказиш, пенсия,
ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни тўхтатиш
(вақтинча тўхтатиб туриш) ҳамда қайта тиклаши учун
тақдим этилган ҳужжатларни расмийлаштириш**

31. Пенсия (ижтимоий нафақа)ни қайта ҳисоблаш, бир пенсия туридан бошқа турига ўтказиш, пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни тўхтатиш (вақтинча тўхтатиб туриш) ҳамда қайта тиклашни сўраб белгиланган тартибда тақдим этилган ариза илова қилинган қўшимча ҳужжатлар билан Пенсия жамғармаси бўлими томонидан қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

инспектор ва пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари аризани илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғига кўриб чиқиш учун киритади;

Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи аризага резолюция қўяди;

пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари тақдим этилган аризани мазкур Йўриқноманинг 23, 24-иловаларида кўзда тутилган китобларда қайд этади ва инспекторга расмийлаштириш учун беради;

инспектор аризага аризанинг тегишли қисмини қирқиб олган ҳолда аризани қабул қилганлиги тўғрисида тилхат беради, бунда тилхат нусхаси тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда Пенсия жамғармаси бўлимида сақланади.

32. Аризани керакли ҳужжатлар билан бирга қайд этилгандан сўнг, инспектор пенсиянинг янги ҳисоб-китобини (қайта ҳисоблашни) амалга оширади ва пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбарига беради ҳамда қарор қабул қилиш учун комиссияга тақдим қилади.

Пенсияни қайта ҳисоблаш ҳужжатлари мазкур Йўриқноманинг 25-илоvasида кўзда тутилган тартибда пенсия йиғмажилдига тикилади.

33. Комиссия Пенсия жамғармаси бўлимига пенсия (ижтимоий нафақа)ни қайта ҳисоблаш, бир пенсия туридан бошқа турига ўтказиш, пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни тўхтатиш (вақтинча тўхтатиб туриш) ҳамда қайта тиклаш тўғрисидаги ариза барча ҳужжатлар билан келиб тушгандан сўнг, беш кун муддат ичида тегишли қарорни қабул қилади (пенсия (ижтимоий нафақа)ни қайта ҳисоблаш, пенсия туридан бошқа турига ўтказиш, пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни тўхтатиш (вақтинча тўхтатиб туриш) ҳамда қайта тиклаш ёки уларни рад этиш,

тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилигини текшириш ва бошқалар тўғрисида).

34. Тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилигини текшириш комиссия томонидан текшириш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг амалга оширилади. Пенсия (ижтимоий нафақа)ни қайта ҳисоблаш, бир пенсия туридан бошқа турига ўтказиш, пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни тўхтатиш (вақтинча тўхтатиб туриш) ҳамда қайта тиклаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг асослилигини текшириш, текшириш санаси кўрсатилган ҳолда далолатнома билан расмийлаштирилади.

35. Текшириш ташкилот ёки архив вакили иштирокида ўтказилиши лозим, бунда текшириш натижаси бўйича далолатнома Пенсия жамғармаси бўлими ходими, ташкилот ёки архив вакили томонидан имзоланади, шундан сўнг ташкилот ёки архив мухри билан тасдиқланади.

36. Пенсия (ижтимоий нафақа)ни қайта ҳисоблаш, бир пенсия туридан бошқа турига ўтказиш, пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни тўхтатиш (вақтинча тўхтатиб туриш) ҳамда қайта тиклаш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ишлари амалга оширилгандан сўнг, комиссия пенсия (ижтимоий нафақа)ни қайта ҳисоблаш, бир пенсия туридан бошқа турига ўтказиш, пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни тўхтатиш (вақтинча тўхтатиб туриш) ҳамда қайта тиклаш ёки уларни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

37. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни нотўғри тайинланганлиги тўғрисидаги ҳолатлар аниқланган тақдирда, пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тўхтатиш масаласи комиссия томонидан қарор расмийлаштириш орқали кўриб чиқилади, бунда қарор нусхаси беш кун муддат ичида пенсионер (нафақа олувчи)га ёки ташкилотга берилади (юборилади).

38. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловлар тўхтатилиши ёки тўхтатиб турилиши (масалан, пенсия тўлаш муддати тугаганлиги, пенсионер (нафақа олувчи) вафоти муносабати билан, тиббий меҳнат эксперт комиссиясида (кейинги ўринларда ТМЭК деб юритилади) қайта кўрикдан ўтиш муддати тугаганлиги муносабати билан пенсия тўлаш тўхтатилган ҳолатларида, пенсионер (нафақа олувчи) озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганда, шунингдек бошқа ҳолатларда) Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи томонидан расмийлаштирилади ва пенсия йиғмажилди махсус графасида тўлов тўхтатилиши ёки тўхтатиб турилиши санаси ва сабаби кўрсатилади.

39. Шахс ТМЭКда ўз вақтида қайта кўрикдан ўтмаган тақдирда ва белгиланган муддатдан кейин қайта кўрикдан ўтган тақдирда пенсия тўлови комиссия қарори Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда) 55-моддасига мувофиқ расмийлаштирилади.

40. Ногиронлик гуруҳини белгилаш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ТМЭК маълумотларини рўйхатга олиш (кўрик далолатномаларидан кўчирмалар) мазкур Йўриқноманинг 26, 27-иловаларида кўзда тутилган китобларда амалга оширилади.

41. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларнинг тўланишини тиклаш комиссия қарори билан расмийлаштирилади.

V. Пенсионер (нафақа олувчи) яшаб турган жойини ўзгартирганлиги муносабати билан пенсия йиғмажилдининг ҳисобини юритиш

42. Пенсионер (нафақа олувчи) доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида бошқа туман (шаҳар)га кўчиб ўтганда, пенсионер (нафақа олувчи) аввалги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига пенсия йиғмажилдини ҳисобдан чиқариш тўғрисида рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисидаги паспорт нусхасини илова қилган ҳолда ариза (ёки янги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимидан сўровнома) тақдим этади.

43. Аввалги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими (аввал ҳисобни юритган бўлим) томонидан кўчиб кетаётган пенсионер (нафақа олувчи)га у ҳисобдан чиққунга қадар бир ой олдинги пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тўлайди (тўлов тўхтатилганда, пенсионер (нафақа олувчи) эса тўловни тиклаш масаласи бўйича узоқ муддатдан бери муурожаат қилмаган ҳолатлардан ташқари).

44. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловлар тўлови амалга оширилган муддат пенсионер (нафақа олувчи)нинг пенсия йиғмажилди ва шахсий ҳисобварағига киритилади.

45. Пенсия йиғмажилдини ҳисобдан чиқариш аввалги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи томонидан расмийлаштирилади. Бу ҳақдаги тегишли ёзув пенсия йиғмажилди, пенсионер (нафақа олувчи) шахсий ҳисобварағи, шунингдек мазкур Йўриқноманинг 28-иловасига мувофиқ пенсионер (нафақа олувчи) яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан пенсия йиғмажилдини ҳисобдан чиқаришни рўйхатга олиш китобига киритилади.

46. Пенсионер (нафақа олувчи) яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан пенсия йиғмажилдини ҳисобга олиш тўғрисидаги аризасига асосан янги яшаш манзили бўйича Пенсия жамғармаси бўлими янги яшаш манзили бўйича прописка қилинганлиги тўғрисидаги белги қўйилган паспорт асосида пенсия йиғмажилдини ҳисобга олади.

47. Яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан пенсия йиғмажилдини ҳисобга олиш пенсионер (нафақа олувчи)нинг янги яшаш манзили бўйича Пенсия жамғармаси бўлими томонидан мазкур Йўриқноманинг 29-иловасига мувофиқ пенсионер (нафақа олувчи)нинг яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан пенсия йиғмажилдини ҳисобга қўйишни рўйхатга олиш китобига қайд этиш орқали расмийлаштирилади.

48. Пенсия ёки ижтимоий тўловлардан чегирмалар ушланган тақдирда, чегирмалар учун асос бўлган ижро ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий таъминлаш департаментининг тегишли туман (шаҳар) бўлимларига қайтарилади. Қайтаришда қайтариш сабаблари ва пенсионер (нафақа олувчи)нинг янги яшаш манзили кўрсатилади. Ушбу маълумотлар мазкур Йўриқноманинг 30-иловасига мувофиқ пенсия (ижтимоий нафақа)дан чегирмалар тўғрисида ижро ҳужжатларини рўйхатга олиш китобига киритилади.

Пенсия (ижтимоий нафақа)дан чегирмалар бўйича ижро ҳужжатлар ижросининг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан назорат, шунингдек унинг сақланиши, Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи раҳбарига юкланади.

49. Ўзбекистон Республикаси доирасида пенсионер (нафақа олувчи)нинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда пенсия йиғмажилди Пенсия жамғармаси бўлимининг сўрови асосида почта орқали жўнатилади ёки пенсионер (ишончли вакил)нинг қўлига берилади.

Бунда пенсионер (нафақа олувчи)га пенсия йиғмажилди билан бирга қайси муддатгача пенсия (ижтимоий нафақа) тўлови амалга оширилганлиги тўғрисида аттестат берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз манзилини ўзгартирганда, аттестат ва кузатув хат нусхалари сўров хати ва шахсий ҳисобварақ билан биргаликда алоҳида йиғмажилдда тикилади ва календарь ой тугагандан сўнг Пенсия жамғармаси бўлими архивига сақлаш учун юборилади.

50. Пенсия таъминоти соҳасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қатнашчилари бўлган давлатларнинг фуқаролари ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида 1992 йил 13 мартдаги Битим қатнашчилари бўлган давлатларга ва ижтимоий таъминот (пенсия таъминоти) тўғрисидаги икки томонлама шартномалар қатнашчилари бўлган давлатларга доимий яшаш учун жўнаб кетаётган шахснинг пенсия йиғмажилди, агар аҳдлашаётган давлатлар томонидан ўзгача ҳол белгиланмаган бўлса, аввал ксеронусхаси олиниб, пенсионер (ишончли вакил)нинг аризасига асосан шахсан қўлига берилиши ёки унинг талабига асосан почта орқали жўнатилиши мумкин.

Бунда аттестат, илова хат, пенсия йиғмажилди олинганлиги тўғрисидаги далолатнома ва тилхат нусхаси пенсия йиғмажилди ксеронусхасига тикилади ва Пенсия жамғармаси бўлими архивига сақлаш учун топширилади.

Пенсионер (нафақа олувчи) ижтимоий таъминот (пенсия таъминоти) тўғрисида халқаро шартномалар тузилмаган давлатга Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш учун жўнаб кетаётганда пенсия йиғмажилди берилмайди ва у Пенсия жамғармаси бўлими архивида иш юритишдаги жилдлардан алоҳида сақланади.

51. Пенсионер (нафақа олувчи)нинг янги яшаш манзили Пенсия жамғармаси бўлими пенсия йиғмажилдини олгандан сўнг, назорат тариқасида пенсионер (нафақа олувчи)нинг аввалги яшаш жойидаги Пенсия жамғарма-

си бўлими ўрнатилган шаклда қабул қилинган комиссия қарори асосида компьютер ҳисоб-китобларини (пенсия миқдори, ўртача иш ҳақи, меҳнат стажи ҳисоб-китоби ва бошқалар) қайтадан амалга оширади ва чоп этади. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни пенсионер (нафақа олувчи)га аввалги яшаш жойи бўйича тўлов тўхтатилган муддатдан бошлаб тўланиши бошланади.

Пенсия йиғмажилдини ҳисобга қабул қилиш комиссия қарори билан расмийлаштирилади.

52. Пенсиядан улуш олувчи оила аъзоси Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида бошқа туман (шаҳар)га доимий яшаш учун кўчиб ўтганда, янги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими пенсия улушини олувчининг аввалги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига пенсия улушини ажратиш тўғрисидаги комиссия қароридан кўчирма бериш тўғрисида сўронома юборади.

53. Пенсия улуши тўловини амалга оширувчи Пенсия жамғармаси бўлими сўровни олгандан сўнг уч кун муддат ичида пенсия улуши олувчининг янги яшаш манзили Пенсия жамғармаси бўлимига қарордан кўчирма ва улуш қайси муддатга қадар тўланганлиги тўғрисида маълумотномани юборади. Бир вақтнинг ўзида пенсия улушини олувчи оила аъзоси яшаш манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги хабарнома асосий пенсия йиғмажилди сақланадиган Пенсия жамғармаси бўлимига юборилади.

54. Пенсия йиғмажилдларини юбориш хатлари ва келиб тушган пенсия йиғмажилдлари Пенсия жамғармаси бўлимининг алоҳида китобларида қайд этилади.

VI. Пенсия йиғмажилдини сақлаш ва архивни юритиш

55. Пенсия йиғмажилдлари пенсионер (нафақа олувчи)нинг доимий яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимида махсус жиҳозланган хонада сақланади.

Ижродаги пенсия йиғмажилдларини сақлаш бўйича жавобгарлик Пенсия жамғармаси бўлими тегишли ҳудудининг инспектори ва архивариусига юклатилади.

56. Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида («Саховат» ва «Муруват» уйларида) яшовчи шахслар, шунингдек рухий касалликлар шифохонасига жойлаштирилган шахсларнинг пенсия йиғмажилдлари ушбу муассасалар жойлашган ҳудуддаги Пенсия жамғармасининг бўлимида сақланади. Ушбу шахсларга пенсиялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тўланади.

57. Пенсия (ижтимоий нафақа) тўловлари тўхтатилган пенсия йиғмажилдлари ижродаги пенсия йиғмажилдларидан алоҳида Пенсия жамғармаси архивида сақланади.

58. Пенсия жамғармаси бўлими архивида сақланаётган пенсия (ижтимоий нафақа) тўловлари амалга оширилаётган ёки тўхтатилган пенсия йиғ-

мажилдлари пенсия йиғмажилдларини алфавит тартибида рўйхатга олиш китобларида (мазкур Йўриқноманинг 31, 32-иловалари) рўйхатга олинади. Бунда алфавит китобидаги қайд этиш рақами пенсия йиғмажилдига бериллади. Алфавитнинг ҳар бир ҳарфи бўйича бир рақамдан бошлаб алоҳида тартиб рақамлари қўйиб чиқилади.

59. Пенсия жамғармаси архивидаги пенсия йиғмажилдларининг сақланиши учун жавобгарлик архивариусга (ёки Пенсия жамғармаси бўлими бош-лигининг буйруғи билан тайинланган масъул ходимга) юклатилади.

60. Пенсия (ижтимоий нафақа) тайинлаш рад этилган шахслар йиғмажилдлари архивда алоҳида сақланади. Ушбу йиғмажилдда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

пенсия (ижтимоий нафақа) тайинлаш юзасидан ариза;

ариза ва илова қилинган ҳужжатларнинг олинганлиги тўғрисидаги тилхат нусхаси;

иш стажи ва иш ҳақи ҳисоб-китоби;

аризачи томонидан тақдим этилган ёки Пенсия жамғармаси бўлими томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар ксеронусхалари ёки кўчирмалари;

пенсия (ижтимоий нафақа) тайинлаш рад этилганлиги тўғрисидаги комиссия қарори ёки хабарнома ксеронусхаси. Агар хабарнома аризачининг шахсан қўлига берилган бўлса, унинг ксеронусхасида қайтарилаётган ҳужжатларнинг олинган санаси кўрсатилган ҳолда, аризачининг имзоси бўлиши лозим. Агар қайтарилаётган ҳужжатлар почта орқали жўнатилган бўлса, буюртма хат орқали жўнатилганлиги тўғрисида квитанция рақами ва санаси кўрсатилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар пенсия йиғмажилди муқовасига тикилади ва алфавит тартибида сақланади. Пенсия йиғмажилди муқовасида аризачининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзили кўрсатилади.

61. Пенсия жамғармаси бўлимида сақланаётган пенсия йиғмажилдлари Пенсия жамғармаси бўлимида пенсия йиғмажилдларини олишга ҳуқуқи бўлган ходимларга, архивдан пенсия йиғмажилдларининг берилишини рўйхатга олиш китобларида (мазкур Йўриқноманинг 33, 34-иловалари) берилиши ҳолатини олдиндан қайд этиш орқали бериллади.

Пенсия йиғмажилдларини архивдан бериш ва қайтарилишини назорат қилиш архивариусга юклатилади.

62. Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлимлари ҳар ойда жорий ойнинг 5-санасига қадар ўтган ой учун вафот этган пенсионер (нафақа олувчи)лар рўйхатини мазкур Йўриқноманинг 35-илоvasида келтирилган шакл бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади. Пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги бўлими инспектори ушбу рўйхатга асосан вафот этган пенсионер (нафақа олувчи)лар пенсия йиғмажилдларини ёпиш ишларини амалга оширади.

63. Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари пенсия йиғмажилдлари бутлигини таъминлаш учун барча зарур чоралар кўриши лозим. Маълум бир

сабабларга кўра (ёнғин, сув тошқини ва фавқулодда характерга эга бўлган бошқа ҳодисаларда) пенсия йиғмажилди йўқолган ёки сақланмаган тақдирда пенсия йиғмажилди дубликати тикланади. Пенсия йиғмажилди дубликатида пенсия ёки ижтимоий нафақа тайинлаш (қайта ҳисоблаш)га доир барча ҳужжатлар, шахсий ҳисобварақ ксеронусхаси, шунингдек Пенсия жамғармаси бўлими архивида пенсия йиғмажилди мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома тикилади.

Пенсия йиғмажилди муқовасида, шунингдек унда мавжуд барча ҳужжатларда «Дубликат» белгиси ва унинг расмийлаштирилган санаси ёзилади.

Пенсия йиғмажилди дубликати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланади.

64. Пенсия жамғармаси бўлими архивариуси ўзи эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи буйруғи асосида ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан пенсия йиғмажилдлари қабул қилиш-топшириш ишлари амалга оширилади. Ишчи гуруҳ пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари, инспектори ва юрисконсултдан иборат бўлади.

Инспектор ишдан бўшатиш тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими архивидан пенсия йиғмажилдларини қайтариш бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида айланма варақда архивариус белгиси қўйилиши лозим.

VII. Яқуний қоида

65. Пенсия йиғмажилдларини расмийлаштириш ва юритиш ҳамда пенсия ҳужжатлари шаклларининг тўғри тўлдирилганлиги бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

**Пенсия йиғмажилдини расмийлаштириш учун
рўйхатга олиш китоблари
РЎЙХАТИ**

Гр	Ҳужжат номи	Масъул	Назоратчи
1.	Пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китоби	Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи
2.	Ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китоби	Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи
3.	Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тўлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китоби	Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи ўринбосари
4.	Дафн этишга нафақа тўлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китоби	Пенсия ва нафақа тўловлари мониторинги гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи ўринбосари
5.	Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларини тўлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китоби	Бўлим бошлиғи буйруғи билан тайинланган масъул ходим	Пенсия ва нафақа тўловлари мониторинги гуруҳи раҳбари
6.	Пенсия тайинлашни рад этиш, қўшимча текширишни ўтказиш ва қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги комиссия қарорларини рўйхатга олиш китоби	Бўлим бошлиғи ўринбосари	Бўлим бошлиғи
7.	Пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳига тақдим этилган ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби	Пенсия тайинлаш гуруҳи инспектори	Пенсия тайинлаш ва нафақа тўловлари мониторинги гуруҳлари раҳбари
8.	Пенсионернинг шахсий ҳисобварағининг очилишини рўйхатга олиш китоби	Пенсия ва нафақа тўловлари мониторинги гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи ўринбосари
9.	Ижтимоий нафақа олувчиларнинг шахсий ҳисобварағининг очилишини рўйхатга олиш китоби	Пенсия ва нафақа тўловлари мониторинги гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи ўринбосари
10.	Пенсионерлар (нафақа олувчилар)га берилган гувоҳномаларни рўйхатга олиш китоби	Пенсия тайинлаш гуруҳи инспектори	Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари
11.	Пенсионерлар (нафақа олувчилар)га берилган маълумотномаларни рўйхатга олиш китоби	Пенсия тайинлаш гуруҳи инспектори	Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари
12.	Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисида берилган гувоҳномаларни рўйхатга олиш китоби	Бўлим бошлиғи буйруғи билан тайинланган масъул ходим	Пенсия ва нафақа тўловлари мониторинги гуруҳи раҳбари

Г/р	Ҳужжат номи	Масъул	Назоратчи
13.	Ишловчи пенсионерларга бериладиган топшириқномаларни (ф-25) рўйхатга олиш китоби	Пенсия ва нафақа тўловлари мониторинги гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи ўринбосари
14.	Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни ишончномалар орқали олишни рўйхатга олиш китоби	Пенсия ва нафақа тўловлари мониторинги гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи
15.	Пенсияларни қайта ҳисоблаш (бошқа турига ўтказиш) тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китоби	Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи
16.	Пенсия ва ижтимоий нафақаларни тиклаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китоби	Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи ўринбосари
17.	Ногиронлик гуруҳини белгилаш (кўрикдан ўтиш далолатномаларидан кўчирма) тўғрисидаги ТМЭК маълумотномаларини рўйхатга олиш китоби	Иш юритувчи	Бўлим бошлиғи ва ҳуқуқшунос
18.	Ногиронлик гуруҳини бекор қилиш тўғрисида ТМЭК маълумотномаларини рўйхатга олиш китоби	Иш юритувчи	Бўлим бошлиғи ва ҳуқуқшунос
